

## Матбуот анжумани

20.07.2023

Соат: 12:00

### Мавзу:

**“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан республика қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**

Ассалому алайкум, ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Сўзимнинг аввалида Сизларга “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчиман.

Жамият, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли Қарори асосида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси номи билан ташкил этилган бўлиб, мана 22 йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон лизинг бозорида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Жамиятнинг асосий фаолият тури - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга лизинг асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришдан иборат.

Бутун фаолият давомида жамиятимиз томонидан қарийб **90 мингдан** ортиқ турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари лизингга етказиб берилган, шундан **77 мингтаси** лизинг олувчилар томонидан мулк қилиб олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда Жамиятнинг ҳудудий филиаллари мавжуд бўлиб, малакали мутахассислар билан таъминланган, лизинг фаолиятини амалга ошириш учун барча шароитлар мавжуд, филиалларда лизинг олувчилар учун барча имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда жамият томонидан лизинг операцияларини амалга оширишда имтиёзли ва мақбул шартлар белгиланганлиги сабабли республика қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган

техникаларнинг **70 фоизи** “Ўзагролизинг” АЖ ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жамиятимиз асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хусусан "UzCLAASAgro" МЧЖ ҚК, "UzCaseMash" МЧЖ ҚК, "Тошкент Трактор Заводи" МЧЖ, "Lemken Chirchiq" МЧЖ ҚК, "URGANCHKORMMASH" АЖ, “Технолог” акциядорлик жамиятлари техникаларини лизинг асосида етказиб беришда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Маълумки, Республика қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда, бунда лизинг ва ёки банк кредити асосида харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларига давлат томонидан имтиёзлар муҳим ўрин тутди. Хусусан:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторларга, трактор тиркамалари, ярим тиркамаси ва осма техникаларни сотиб олинган қишлоқ хўжалиги корхоналарга лизинг ёки кредит фоизи харажатларининг 10 фоиз пунктдан ортиқ қисмига субсидия ажратилиши;

ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан кам бўлмаганда, техника қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия қўлланиши белгиланган.

Муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-7-сон қарори билан эса мазкур икки субсидиядан бир вақтда фойдаланишга рухсат берилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида “Ўзагролизинг” АЖ томонидан умумий қиймати **241,9 млрд.** сўмлик **1168 дона** қишлоқ хўжалиги техникалари, шундан **87 дона** ғалла ўриш комбайнлари жойларга лизинг асосида етказиб берилди.

Шунингдек, барча манбалар ҳисобидан **308,1 млрд.** сўм лизинг тўловлари ундирилиши таъминланди. Шундан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармага 132,0 млрд. сўм маблағлар қайтарилди.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (IFRS) асосида жамиятнинг охириги 4 йиллик фаолияти яқунлари бўйича халқаро аудит компанияларининг ижобий хулосаси олинди.

**“Fitch Ratings”** халқаро рейтинг агентлиги томонидан жамият учун **“B+”** даражасида, **“Барқарор”** прогнози билан халқаро рейтинг берилди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг жорий йил 20 июнь куни “Ўзагролизинг” АЖ фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-198-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан:

Жамият Устав капиталини **25 млн. доллар** эквиваленти миқдорида ошириш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кенг турдаги замонавий юқори унумдор ва энергия тежамкор техника билан тизимли таъминлаш учун Жамият фаолиятини диверсификация қилиш, хусусан:

**фермер ва томорқа хўжаликларига механизация ва хизмат кўрсатиш сервислари;**

**муқобил энергия манбаларидан (қуёш, шамол ва ер қаъри энергияси) фойдаланиладиган замонавий иссиқхона комплекслари ва шахарчалари;**

**майда шохли молларни бўрдоқи қилишга мўлжалланган замонавий технологиялар билан жиҳозланган чорва комплекслари;**

**республикада етиштириладиган мева-сабзавотларни юқори технологиялар асосида қайта ишловчи корхоналар ва логистика марказларини тайёр ҳолда лизингга бериш амалиётини йўлга қўйиш;**

**Жамиятни ривожлантиришнинг 5 йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш,**

жамият фаолиятини диверсификациялаш учун халқаро молия институтларининг йилига **100 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда паст фоизли ва узоқ муддатли маблағларини тўғридан-тўғри жалб этиш белгиланди.**

“Ўзагролизинг” АЖ фаолияти такомиллаштирилиши, Устав капиталини **25 млн** доллари миқдорида оширилиши натижасида очиладиган янги имкониятлар доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилади.

Хусусан, бухгалтерия ҳисоботларини халқаро стандартларга ўтказиш бўйича халқаро аудитдан ўтказилади, шунингдек, халқаро аудитнинг Устав капиталини ошганлигини тасдиқлаш бўйича ҳулосаси олинади.

Жамиятнинг барқарор ривожланиши таъминланиб, йилига **100 млн доллардан кам** бўлмаган миқдорида давлат ва тижорат банклари кафолатсиз, тўғридан-тўғри халқаро молия институтларининг узоқ муддатли ва паст фоизли маблағлари жалб қилинади.

Иккинчи ярим йилликда жами **800,0** млрд.сўмлик **3480** донатурли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари лизинг асосида етказиб берилади.

Шу жумладан, **BPIFRANCE (Франция)** халқаро молия ташкилоти ресурслари ва кафолати асосида қиймати **20 млн** еврога тенг Франциянинг “**KUHN**” компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари;

“**Case New Holland**” компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган **25 млн.** доллар миқдоридаги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилади.

“Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази” билан ҳамкорликда Жаҳон банкдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **70 млн.** доллар миқдоридаги маблағлар жалб этилади.

Шу билан бир қаторда, Жамият фаолияти диверсификация қилиниб, фермер хўжаликлар ва аҳоли томорқа ер эгаларига **механизация ва сервис хизматлари** кўрсатишни ташкил этиш мақсадида **Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг** тўрттадан туманларида тажриба лойиҳа тариқасида (пилот лойиҳа) амалга оширилади;

**муқобил манбалардан (қуёш, шамол, ва ер қаъри энергияси) фойдаланиладиган замонавий иссиқхона комплекслари ва шахарчалари қурилиши бўйича лойиҳа ва бошқа ҳужжатлар экспертизадан ўтказилиб, Наманган вилоятининг Поп туманида қурилиш ишлари сентябрь ойидан бошланиши кўзда тутилмоқда;**

**замонавий технологиялар билан жиҳозланган майда шохли молларни бўрдоқилашга мўлжалланган чорва комплекслари тажриба лойиҳа тариқасида (пилот лойиҳа) Жиззах ва Навоий вилоятларида амалга оширилади.**

Хорижий етакчи консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **2 ой муддатда Жамиятни ривожлантиришнинг 5 йиллик стратегияси ишлаб чиқилади.**

**Жамият фаолиятини автоматлаштириш ва рақамлаштириш бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони доирасида “Қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг асосида етказиб бериладиган техникалар учун мобил илова дастурини яратиш” лойиҳаси тест режимида ишга туширилди. Натижада лизинг олувчилар:

- Лизингга берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича барча маълумотлар билан танишиш;
- лизинг шартномалари бўйича қарздорлиги бўйича маълумот олиш ва қарздорликни сўндириш;
- Техникани лизингга олиш учун онлайн талабнома бериш, аванс маблағини тўлаш, онлайн навбатга ёзилиш каби имкониятларга эга бўлишади.

Бундан ташқари жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритиш, шунингдек ҳужжатлар айланиши тизими автоматлаштирилган бўлиб, молиявий таҳлил ва ижро интизомини тўғри йўлга қўйилишига эришилган.

Лизингга етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун **GPS мониторинг** ускуналари билан жиҳозлаш бўйича 2021 йилда бошланган амалий ишлар давом эттирилиб, йил якунига қадар ўзиюрар лизинг объектларини мазкур тизимга тўлиқ уланиши режалаштирилмоқда.

Ҳукумат томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, 2023 йилда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

- жамият фаолиятини диверсификациялаш доирасида устувор равишда лазерли ер текислагичлар, чорвачилик, боғдорчилик техникалари, пахта териш машиналари ва сабзаот экинлари учун махсус агрегатларга эътибор қаратиш;

- лизингга етказиб бериладиган техникалар ҳажмини бизнес-режада белгиланган параметрлар доирасида таъминлаш;

- лизингга берилган техникаларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, мониторингини олиб бориш;

- барча манбалар ҳисобидан дебитор қарздорликни ўтган йилга нисбатан кескин камайтириш, бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш;

- “Жамғарма”дан ғалла ва пахта ҳосили имтиёзли кредитидан ажратиладиган маблағларни лизинг тўловлари учун ўзлаштириш;

- Маҳаллий ва ҳорижий банклардан **100,0 млн.** доллар эквивалентидаги узоқ муддатли кредит маблағлари жалб қилиниши ҳисоб-китоби қилинди.

Ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Фаолиятимиз юзасидан қисқача маълумотлар шулардан иборат. Сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга ва таклифларингизни тинглашга тайёرمىз.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**